

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ИСЛОҲОТЛАРГА МУҲТОЖ.

Зухурова Дилдора Махмудовна ТВМ- кафедраси асситенти

Исломов Жамшид Бахриддин угли

104-21 гуруҳ талабаси

**Аннотация:** Сир эмас, сўнгги йилларда жамоат транспорти камчиликлар куршовида қолиб, аҳолига хизмат кўрсатишда кўплаб муаммолар кўзга ташланаётган эди. Уларни бартараф этиш учун ер усти метросининг қурилиш жараёни амалга оширилиб, янги транспорт воситалари харид қилинди. Бугун эса мазкур жараёнлар янги босқичга кўтарилди.

**Калит сўзлар:** Транспорт, автомобил, автобус, йўналиш, шаҳар, муаммо, жамоат.

**Abstract:** It is no secret that in recent years, public transport has been surrounded by shortcomings, and many problems have been noticed in providing services to the population. To eliminate them, the construction process of the underground subway was implemented and new vehicles were purchased. Today, these processes have reached a new level.

**Key words:** Transport, car, bus, route, city, problem, community.

Сўнгги йилларда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, жамоат транспорти йўналишлари тармоғини кенгайтириш ва ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза автобуслар билан янгилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хорижий экспертлар иштирокида янгича ёндашувлар асосида Тошкент шаҳар жамоат транспортининг янги йўналишлари тармоғи ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, қатнов мунтазамлигига, ҳаракат хавфсизлиги ва сифат талабларига риоя этилмаслиги, йўлқира ҳақининг табақалашган тарифлари мавжуд эмаслиги, жамоат транспорти ҳаракати устуворлиги таъминланмаслиги жамоат транспорти жозибадорлигини пасайтирмакда.

Аҳолининг юқори сифатли ва қулай йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, соҳада бозор тамойилларини жорий этиш, хусусан молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали хусусий сектор учун жозибали бизнес муҳитини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ: Жамоат транспортининг сифатсиз хизматидан жуда куп муаммоларга дуч келмоқдалар. Шу жихатдан кўйидаги соҳага замонавий тадқиқотлар ва шаҳар транспорт тизимидаги муаммоларни бартараф қилишга қаратилган бир неча ечимлар келтирилган. Муаммолар тизимли ҳал қилинадими? Кундалик ҳаётимизда жамоат транспортининг алоҳида аҳамияти ва ўрни мавжуд. Аммо автомобиллар сонининг йил сайин ошиб бориши, йўл ҳаракатини назорат қилишдаги камчиликлар сабаб транспорт воситаларининг тирбандлиги йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, ўқув йили бошланиши ва кўплаб талабалар пойтахтга келиши натижасида бу муаммо нақадар долзарб ва унга жиддий эътибор қаратиш кераклигига яна бир марта амин бўлдик. Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳридаги жамоат транспорти йўналиш тармоқлари ўтган асрнинг 80-йилларида тузилган бўлиб, шу вақтга қадар мукамал тарзда қайта кўриб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида шаҳар жамоат транспорти тизимида жиддий муаммолар йиғилиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Баъзи ривожланган давлатларда йўлнинг ўнг чети автобус ҳайдовчилари учун ажратилган бўлиб, бу йўлда тўхташ, тўсиб қўйиш қонун билан тақиқланади. Фавқулодда вазиятдан ташқари бошқа машиналар автобус йўлига тўхтаб унга халақит беришса, катта миқдорда жаримага тортилади. Бир тасмали йўлларда эса автобусни қувиб ўтиш тақиқланган. Ўзбекистонда эса кўпчилик марказий йўллар ҳам автобус учун алоҳида йўлак қилиш даражасидаги талабга жавоб бермайди. Бир тасмали йўлларга бундай талабнинг жорий қилинишига эса кўпчилик ҳайдовчилар асло тоқат қила олмаса ҳам керак.

Охирги 10 йилда биргина пойтахт Тошкент шаҳрида автомобиллар сони 2 баравардан зиёдроққа ошган. Машина кўпайган сари тирбандликлар ортади. Шаҳарда ҳаракат қилиш секинлашади ва бир қанча жиддий муаммоларни юзага келтиради. Соҳани ислоҳ қилиш борасида давлат раҳбари томонидан ҳам бир нечта алоҳида топшириқлар берилганди. Хусусан, Юнусобод туманидаги метрополитен қурилиш ишлари билан танишиш жараёнида Шавкат Мирзиёев бекатларда йўловчилар тўпланишини ва ҳаракатини мониторинг қилиш, таҳлиллар асосида йўналишларни оптималлаштириш, йўловчиларни кўпайтириш ҳисобидан йўл ҳақини арзонлаштириш масалаларига тўхталиб ўтган.

Шуларни инобатга олиб, шаҳар жамоат транспортини аҳолига қулай, арзон, хавфсиз қилиб беришимиз керак», деганди давлат раҳбари.

Бундан ташқари, жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бир-бирига боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш кераклигига алоҳида урғу берилган.

Аmmo бу борада шунча топшириқлар берилган бўлса-да, ижрони таъминлашда жиддий муаммолар борлигини кузатиш мумкин.

«Жамоат транспортининг эгаси шаҳарликлар, шаҳар депутатлари ва шаҳар ҳокимлиги бўлиши керак. Тошкентга “генплан” керак, Тошкент жамоат транспортига стратегия керак. Жамоат транспортини ривожлантириш учун эса велосипедни қайта кашф қилиш керак эмас. Юзлаб шаҳарлар аллақачон муваффақиятли амалиётга, тажрибага эга.

У маънода пойтахтда ва йирик шаҳарларда жамоат транспорти, жамоат макони, экология, мактаб ва умуман ижтимоий неъматлар сифати билан боғлиқ муаммолар ечим топишига мен унча ишонмайман. Хўш, бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак. Метронинг вақтини қисқартириш, автобуслар сонини кўпайтириш билан бу нарсаларни ҳал қилиш имконсиз.

Пойтахт ва марказий катта шаҳарларга вилоятлар ва ҳудудлардан ҳар куни ўн минглаб автомашиналар кириб келади. Катта шаҳарларга кираверишда бепул автотураргоҳлар ташкил этилиб, транзит тизимига ўтилса, шаҳардаги тирбандликлар бир қанча камаяди. Бунинг учун, аввало, шаҳарда жамоат транспортини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг қулайлигини ошириш ва уларда ҳаракатланиш машинада манзилга етиб боришдан тезроқ ва афзалроқ бўлиши керак.

Шу билан бир қаторда жамоат транспортининг сони кўпайтирилиши ва вақти қисқартирилиши натижасида улар зарар билан ишлай бошлаши эҳтимоли ошади. Шу сабаб ҳукумат доимий равишда уларни қўллаб-қувватлаши зарур.

Автобуслар шаҳар жамоат транспортининг асосий воситаси бўлиб, аҳолининг аксарияти улардан ҳар куни ишга, ўқишга ёки бошқа жойларга етиб бориш учун фойдаланади. Шу боис аҳоли ҳаракатчанлигини таъминлашда мунтазам ва ишончли автобус қатновини ташкил этиш муҳим вазифадир.

Шу билан биргаликда, Тошкент шаҳри аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари томонидан жамоат транспортдан кенг фойдаланилиши мазкур соҳани ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни яна долзарб масала қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 5 млн аҳоли бўлиб (доимий яшовчи 2,9 млн, кунлик шаҳарга келиб кетувчи 1,5 млн, вақтинчалик истиқомат қилувчи аҳоли 0,5 млн), бу рақам йилига ўртача 100 мингга ошмоқда. Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари 760 мингга етган (йилига 76 мингга ортиб бормоқда), транспорт воситалари доимий ҳаракатланадиган асосий йўл кўча тармоқлари узунлиги эса 470 км бўлиб, 380-400 минг автотранспорт ҳаракатланишига мўлжалланган.

Айни пайтда Тошкентда автобус ёки метрода ҳаракатланиш жуда қийин. Одам сони ҳаддан зиёд кўплиги сабаб, айниқса, қиз болалар, аёл кишилар ва

ёш болали аёлларга жуда ноқулай. Жамоат транспорти тубдан ислоҳ қилиниб, уларнинг ҳаракатланиш тезлиги ва қулайликлари оширилмас экан, одамларда автомобилда ҳаракатланишга бўлган талаб йилдан йилга ошаверади. Бу эса “Ўзавтомоторс” каби монопол ташкилотларга миллионлаб доллар фойда олишлари учун замин яратади.

Пойтахт бекатларида автобусларнинг ҳаракатланиш схемаси ва графиклари каби маълумотлар қўйилган бўлса-да, вилоятларда бундай эмас. Асосий жамоат транспорти автобуслар ҳисобланган вилоятларда бу бир қанча тушунмовчиликлар ва ноқулайликларни юзага келтирмоқда.

Автоматлаштирилган тўлов тизими ва автоматлаштирилган диспетчерлик хизматининг босқичма-босқич йўлга қўйилиши 2024 йил 1 июнигача яқунланади. 2024 йил 1 июндан бошлаб эса мунтазам шаҳар автобус йўналишида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартномаси асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизими босқичма-босқич ишга туширилади.

Хулоса қилиб айтганда Шаҳарда автобус йўналишларининг янги тармоғини жорий этиш, ҳар бир жамоатчиликда катта аҳамиятга эга. Бу билан биз жамоат танспортига ва бошқа соҳаларга ҳам катта натижалар олиб келамиз деган умиддаман.

#### **Абабиётлар рўйхати:**

1. Адилов, О., Зухурова, Д., & Мамарасулов, Р. (2021). Транспорт воситалар техник ҳолатини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 137-143.

2. Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги йул ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси 2021 йил ноябрь ойигача республика йулларида содир булган йул транспорт ходисалари хақида статистикаси.

3. O'zbekiston Respublikasi prezidentining "Avtomobil transportini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora –tadbirlari to'g'risidagi" qarori 07.03.2018-yil.